Ўзбекистон Республикаси
Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгаши
ҚАРОРИ

O`zbekiston Respublikasi
Xalq deputatlari
Xorazm viloyati Kengashi
QARORI

"16" декабрь 2019 yil Урганч ш.

№ 52-209

Хоразм вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун вилояти маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуннинг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилги Хоразм вилояти (Кейинги ўринларда Вилоят деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 457,0 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туман бюджетларига тўлиқ ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айланмадан солиқ;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

в) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ ўтказилади:

– юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар,

автотранспорт воситаларини ҳарид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

г) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан Вилоят маҳалини бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман ва шаҳарлардан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштирилади.

б) Вилоятнинг вилоят бюджетидан:

– иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган исиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

– вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

– умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

– давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари.

в) туманлар ва шаҳарлар бюджетидан:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман ва шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туман ва шаҳар бюджетлари даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Вилоят, туман ва шаҳар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари **11,3 млрд.сўм** миқдорида белгилансин.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари заҳира жамғармалари маблағларини вилоят бюджетида ҳамда туман ва шаҳар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йил учун вилоят бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари **8,0 млрд.сўм** миқдорда ҳамда туман ва шаҳар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Вилоятнинг вилоят бюджети, туман ва шаҳар бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин.

12. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда **5 фоиздан** ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Вилоят Кенгаши мурожаатини тайёрласин.

13. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Вилоят ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишли Вилоят Кенгашига беришини таъминласин.

16. Республика вазирлик ва идоралари, шу жумладан вилоят бошқарма ва ташкилотлари Ишчи гуруҳлари томонидан шаҳар ва туманларда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган “Йўл харита”лари, баёнлари билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

17. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига йилнинг хар чорагида ҳисобот бериб борсин.

18. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси,
вилоят ҳокими **Ф.Эрманов**

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил « 16 » декабр даги
52-209 -сонли қарорига 1-илова

Хоразм вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	28 570
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,6
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	114,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	114,9
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	100,2
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	108,7

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил « 16 » декабр даги
52-209 -сонли қарорига 2-илова

Хоразм вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**763 583 569,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	110 488 000,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	426 525 569,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиғи, жами	58 235 000,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*58 235 000,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6 995 000,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	16 414 000,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0,0
10	Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
12	Давлат божи	44 673 000,0
13	Жарималар	36 647 000,0
14	Ижара тўлови	0,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	5 877 000,0
16	Йиғимлар	57 729 000,0

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил « 16 » декабрдаги
52-209 -сонли қарорига 3-илова

2020 йил учун Хоразм вилояти бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**1 224 589 801,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**615 464 711,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**123 909 900,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**457 083 763,0**
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар	**28 131 427,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**95 469 438,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	95 469 438,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**1 729 698,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 729 698,0
3.	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**793 827,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	793 827,0
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**211 426 528,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	211 426 528,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**26 944 583,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	26 944 583,0
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**44 975 488,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	44 975 488,0
7.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**4 187 854,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 187 854,0
8.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**1 760 540,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 760 540,0
9.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**66 449 263,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	66 449 263,0
10.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**1 575 701,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 575 701,0
11.	**Транспорт департаменти**	**2 160 470,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 160 470,0
12.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**7 739 251,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 739 251,0
13.	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**3 709 046,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 709 046,0
14.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**1 277 058,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 277 058,0
15.	**Ветеринария бошқармаси**	**4 338 702,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 338 702,0
16.	**Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармаси**	**143 060,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	143 060,0
17.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**1 663 303,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 663 303,0
18.	**Адлия бошқармаси**	**2 175 373,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 175 373,0
19.	**Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси**	**7 106 144,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 106 144,0
20.	**Молия бош бошқармаси**	**613 839 471,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 714 381,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	123 909 900,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	457 083 763,0
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар	28 131 427,0
21.	**Давлат ҳокимият органлари**	**32 607 035,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	32 607 035,0
22.	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**973 903,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	973 903,0
23.	**Нуроний жағармаси**	**411 294,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	411 294,0
24.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**839 525,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	839 525,0
25.	**Монополияга қарши курашиш бошқармаси**	**945 088,0**
	шу жумладан:	

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	жорий харажатлар	945 088,0
26.	**Автомабил йўллар бошқармаси**	**69 063 191,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	69 063 191,0
27.	**Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси Хоразм вилояти бошкармаси**	**5 201 012,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 201 012,0
28.	**Давлат архиви бошқармаси**	**1 345 999,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 345 999,0
29.	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**776 873,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	776 873,0
30.	**"Ўзагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати филиаллари**	**187 566,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	187 566,0
31.	**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 081 337,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 081 337,0
32.	**Газначилик бошқармаси**	**5 148 808,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 148 808,0
33.	**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари**	**1 260 597,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 260 597,0
34.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 152 641,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 152 641,0
35.	**Махсус база**	**392 107,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	392 107,0
36.	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**710 356,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	710 356,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**3 027 671,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 027 671,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил «6» декабрдаги
32-2019-сонли қарорига 4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз хисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган катъий белгиланган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёкилғиси ва газ реализациясидан солик	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер кавридан фойдаланг анлик учун солик (норуда материаллари)	Сув ресурслар идан фойдаланг анлик учун солик	Ижара тўловлари
1	Урганч шахар	100		100			100		100	100	100	100
2	Богот тумани	100	30	100	100	100	100	100	100	100	100	100
3	Гурлан тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
4	Кушкупир тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
5	Урганч тумани	100	30	100		100	100	100	100	100	100	100
6	Хазорасп тумани	100	30	100		100	100	100	100	100	100	100
7	Хонка тумани	100	30	100	100	100	100	100	100	100	100	100
8	Шовот тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Янгиарик тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
10	Янгибозор тумани	100	70	100	100	100	100	100	100	100	100	100
11	Хива тумани	100	80	100	100	100	100	100	100	100	100	100
12	Хива шахар	100	44	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
52-209-сонли қарорига 5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**1 402 161 000,0**	**1 859 244 763,0**
Урганч шахар	60 700 240,0	99 427 220,0
Богот тумани	49 334 425,0	101 122 008,0
Гурлан тумани	55 360 468,0	96 364 248,0
Кушкупир тумани	53 472 256,0	102 067 167,0
Урганч тумани	64 420 229,0	95 675 502,0
Хазорасп тумани	76 815 488,0	123 619 405,0
Хонка тумани	52 700 696,0	103 509 137,0
Шовот тумани	56 669 472,0	106 283 891,0
Янгиарик тумани	39 044 190,0	70 649 274,0
Янгибозор тумани	33 511 802,0	57 228 029,0
Хива тумани	52 326 931,0	91 571 610,0
Хива шахар	44 221 234,0	44 221 234,0
Вилоят бюджети	763 583 569,0	767 506 038,0

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
52-209-сонли қарорига 6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**457 083 763,0**
шундан	
Вилоят бюджети	3 922 469,0
Урганч шахар	38 726 980,0
Богот тумани	51 787 583,0
Гурлан тумани	41 003 780,0
Кушкупир тумани	48 594 911,0
Урганч тумани	31 255 273,0
Хазорасп тумани	46 803 917,0
Хонка тумани	50 808 441,0
Шовот тумани	49 614 419,0
Янгиарик тумани	31 605 084,0
Янгибозор тумани	23 716 227,0
Хива тумани	39 244 679,0

Халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
52-20 сонли қарорига 7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**17 747 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	**8 001 000,0**
2	Урганч шахар	**860 000,0**
3	Богот тумани	**792 000,0**
4	Гурлан тумани	**803 000,0**
5	Кушкупир тумани	**832 000,0**
6	Урганч тумани	**896 000,0**
7	Хазорасп тумани	**1 294 000,0**
8	Хонка тумани	**758 000,0**
9	Шовот тумани	**838 000,0**
10	Янгиарик тумани	**697 000,0**
11	Янгибозор тумани	**535 000,0**
12	Хива тумани	**889 000,0**
13	Хива шахар	**552 000,0**